

Мухтарам мухаррир афанди. Ушбу мактубимизга газетангиздин жой берувингиз маржудур.

Русияда хуррияти калом ва матбуот верилгондин бери миллатпарвар мусулмонлар тарафиндин мавкеъ интишора вазъ ўлинон газета ва мажаллалар сутунларинда хар замон ахамиятлу масалалар узринда мусодамаи афкор эдулмокца ва кўрулмокцадур. Аммо баъзи вақтлар бўш сўзлар ва казиялар, нобхангом мубохаса ва мунозаралар, гаразкорона танкидлар жароид саҳифаларинда кўрулуб, газета ўкугувчиларни мабхут ва мутаассуф этмакдадур. Бўйла вохий сўзлар ким тарафиндин сўйланиюр. Канди занимча, Хакназаринда ўзини тараккийпарвар кўрсатуви танбаллик ичинда яшаён бир токим беномуслар, шухратпараст сафихлар, муфаттин иш бузувчи нокаслар тарафиндин сўйлайинур баъзиларни кўрасиз. Ўзини мактаб дўсти кўрсатуб, мактабларни бузмок суи касдинда баъзиларни мушохада этсангиз, ўзларининг кувваи тахририя ва балогати каламияларини кўрсатмакчи бўлуб аслсиз хабарлар, бефойда бахслар, беиборат охири хурофотлар ила олами матбуоти лакадор эдарлар. Аларни ушбу гаразкорона ишлари миллата манфаат ерина мазаррат, мухаббат ерина адоват, иттиход ерина ифтирок, башорат ерина яъс вермакцин моадо акалан бир тийинлик ўлсун фойда еткура олмас. Зан эдурам, бу масалу афсоналар «Таржумон»дин моадо дигар газеталарда ора-сира кўрулмакдадур. Кавжи «Таржумон» эса 26 санадин бери миллат нажибаси узринда кўб тажриба хосил этмакдадур. Биноан алайхи доимо андиша ила сўйлаюр, атрофли мулохазалар ила иш кўриюр, яна такрор айтаман, газеталарда бўш сўзлар кўриюлур. Нетаким, агар бу кун бир газетая «танкиднома» ўкулса, эртаси яна ўшал газетая ёки бошка бирисина анинг «раддия»си кўрилиюр. Мен бу сўзларим ила «интикод» масаласини ёмон кўруб, бархам бермок касдинда дагилам, балки демак истаюррамки, мунаккид киши ўз максудини шахсият, нафсоният жихатидин мубарро тутмок шартила факат мунассифона ва мудаббирона суратда ёзсун. Токи сўзлари муассир ва кобили эътибор ўлсун, йўкса ёзилмиш шайлари адоват ва нифокка сабаб ўлуб, рафта-рафта вахийм натижалар веруви шубхасиздур. Бу сўзларима мисол келтируб деюррамки, бу сана ва кечан сана олти-етти ой зарифинда мактабимиза мутааллук «Вакт» газетасида икки мартаба ва «Туркистон»да бир карра танкидлар ўкидук. Мунаккид кишилар бизга маълумдур. Чунончи, «Вакт»нинг 323 нўмрасида «Мактаб дўсти» имзоли мактубнинг сохиби Зокиржон Алихонов айдики, ўзи Хўкандда 4-5 кун мактабдорлик килиб, билмам, на сабаб ўлди (окчаси кўпайдими ёхуд хизмати миллияси ўсондирдими), мактабини ташлаб кетди.

Яна «Вакт»нинг 416нчи нўмрасида «Зиёратчи» имзоли маколанинг сохиби Шокиржон айдики, ўзи Туркистон шахрида усули жадида мактабининг муаллимидир. Мазкур муаллим Курбон байрамининг таътили муносабатила ўз кўлинча ёлгуз тафрих ва касб хаво этмак орзусила Самарканд келмиш эди. Самарканд ахолисининг «гаштак» деган эски бир расм ва одатлари ворки, аксариятила жума окшомлари хар тоифа ўз касбдоши

ва маслакдоши ила ижтимоий мусохабат ва касби шаторат эдар. Бизлар ҳам канди маслакцошларимиз ила гаштакимиз вор эди. Мазкур муаллим бизим мактабимиза тушганичун унида ижтимоийгохимиза таклиф этдук. Ва анинг ила бирликда ижтимоийгохимиза боруб, 3-4 соат микдоринда она тилимиз ўлон форсий-тожикий лисонила ўз дардимиздин ўтра узун узоди муховара ва муколамаларда бўлиндук. Мажлисимиза хитом верилдукдун сўнгра хар ким ўз манзилина таркалиб кетди. Бизлар ҳам муаллим мехмонимиз ила баробар мактабимиза кайтиб келдук. Йўл асносида муаллимдин сўрашукки, афандим кайфингиз насил, бизим жамиятимизи хушладингизми? Жавобда, йўк, бан бу форсийча такаллумингиза хеч тушунмадим. Келганимдин пушаймон бўлдим. Холингизи бир оз аввал билганим холда хеч бу орада келмас эдим, деб изхори махзуният айтди. Бу киши мактабимизнинг пругромини ва талабаларимизнинг баъзи дурусларидин верилгон имтихонларини кўруб кетмишди. Кетгонидин 4-5 кун кечди-кечмадики, «Вакт»нинг 416 нўмрасида «Самаркандда на кўрдум» унвони остинда бир ажойиб макола ўкудим, имзосина кўз солдим, «Зиёратчи» дур. Маколасини тамом ўкуб бир оз тафаккур ила бу гофилонга сўзларни ёзон ўшал тотор муаллимдан бошка киши ўлмадигини хис этдим. Бехабарона ёзилмиш вохий сўзлари кобили жавоб ва эътибор ўлмаса-да, факат ўзининг Жухулат ва сафохатини исбот эдарак танбех вермак касдила бир-икки харф ёзмокни муносиб кўрдим. Сўзларнинг мухтасари ушбудир, деюрки: «Самарканднинг усули жадида мактаби Туркистон тарафларинда хейли машхур ўлдигиндин факат шуни кўрмак учун воруб сўнгра англадимки, мактабнинг шухрати ёлгуз бунинг муассиси ўлон муфти Махмудхўжа афанди соясинда экан». Энди бунга на дейимли, афандим? Ушбу мактабнинг муассиси ва бош муаллими мулла Абдулкодир ўлдиги олти санадин бери хаммага маълумдурки, гунаш каби ошкорадур. Факат муфти жаноблари канди манзилларини мактаб учун икки санадин ортик билаижрат кўюб, озгина ривожина сабаб ўлдиларки, бунга хеч ким инкор этмади ва этмаяжакдир.

Яна айтасизки: «Мактабнинг пругром ва ўкув тартиблари кусурли. Ўкув асбоблари хеч йўқдеярликдур». Афандим, пругром ва ўкув тартибларимизнинг ханки еринда кусур вор. Бунга очик суратда мўбамў баён этувингиз тевишли эди. Бизлар у жойини кўруб икмолина чолишар эдук. Авет, ўкув асбобларимизнинг матбуа нусхаси оздир. Бунинг сабаби, албатта, форсча рисоалардин кўлланилган фикх, тажвид, кавоиди форсий, хисобнинг чоп ўлинмадигидур. Тожик болаларининг она тилларига мувофик ўкуб ёзилмиш мазкур рисоаларини ким чоп килур, аларнинг табъина кўб окча лозим ўлажакдир.

Иншооллох! Келажакда бирор сохиби гайратнинг химматила табъ ўлинажакдир. Бу сўзларимиз сабабли лисон масаласининг копуси очидди. Афандим, маълумдирким, бизим она тилимиз форсий-тожикийдир. Аммо умумий лисонимиз туркийдир ва диний лисонимиз арабийдурки, бунга хеч шак-шубха йўқцур. Ушбу алсинаи салосанинг тахсили хаммая лозимдур. Аммо хар миллатнинг ибтидоий тахсили она тилинча бўлинмамаси ходда машаккат-азоб чекуви бад яхи ўлдигичун биз талабаларимиза уч сана

мутамаддиян форсийча дарс вердукдин сўнгра, туркчая шуруь этмакка карор вердук. Дахи туркийнинг ахамияти на даражада ўлдигини оз-моз билдикимиздин, иншооллох, ояндага тадрижан алимиздин кеддики кадар тавхиди лисон борасинда хам чолишажакмиз. Афандим, сиздин бошка Абдурашид ва Исмоилбек афандилар каби буюк-буюк зотлар мактабимиза келиб кетмишларди. Аларни тил ва бошка тўғруларда хеч бир гуна, эътирозкорона сўзларини эшитмадук ва кўрмадук. Аммо сизнинг жахолатингиздин ноший ўлон лисон алайхинда атолаи лисон этувингизи камоли таассуфла кўруб хайратда колдук. Яна деюрсизки: «мактабнинг молия жихати торликдадур». Бу аслсиз хабарни кайси мавсук манбадин олуб ёздингиз ё магар кохини фолбинлик этуб илми гайбдин хабар веруб кўйдингизми? Мактабнинг мадохили ўз масорифина кифоя этадур.

Маколангиз охириндаги тавсиянома энг тўғридур. Факат билмиш ўлингизки, жанобингиз келмасдин бурун ул амр хакикатан ижро ўлмасди. Муаллимимиз хамжамиятнинг у таклифини хусни кабул ила муташаккиран талаккий этмишди. Маъа мофийхи бу насихатингиза даруни дилдан ташаккур айдарак хакингиза ушбу ибратбахш мис-раъни ўкумок-ла хатми калом айларам, вассалом.

*Байт:*

Аклинг вор эса нафсингки ислох айла, ў гарош. Мустагрик ўлурсен у замон ажри жазила.

«Туркистон вилоятининг газети»,

1909 йил, 12 февраль